


Андижон вилояти  
Асака туман ИИБ  
бошлиғи  
Н. Биллохуновга

Хурматли Нурилло Биллохунов

Маълумки, Узбекистон Республикаси Президент Администрациясининг 2019 йил 27 августдаги 1975-XX-сонли топширигига асосан, Узбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Оринов томонидан тасдикутанган махаллий давлат хокимияти рахбарлари томонидан умумтаълим мактаблари оталикка олинганлиги ва сизнинг сектор худудингиздан бизнинг 31-умумтаълим мактаби оталикка олинганлигини маълум киламан. Хафта давомида Асака тумани 31-умумтаълим мактабида Мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та мухим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида, Тувадоқ махалла фукаролар йигини билан ҳамкорликда ота-оналар, мактаб ўқувчилари ва уюшмаган ёшлар иштирокида тадбир ташкил этилди. Тадбирда Тувадоқ МФЙ раиси Ш.Алқосимов маслаҳатчиси Ф.Алимова иштирок этдилар. 13-март куни жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд ва суиқасдни олдини олиш мақсадида Тошбой халфа масжиди имом хатиби Жалолиддин Исмоилов ИИБпрофлактика инспектори Д.Абдухалиловлар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида суҳбат ўтказди. Бундан ташқари “Китобхон оиламиз” шиори остида ўтказилган кўрик танловнинг туман босқичида мактабнинг Зокировлар оиласи қатнашиб фахрли ўринни эгалладилар. Мактабнинг 11-ёшдан 14-ёшгача бўлган ўқувчилар (4-7-синф) ўртасида “Яшил чирок” кўрик танловининг мактаб босқичи ўтказилди. Бунда 6- “Б” синф ўқувчилари ваол иштирок этиб фахрли 1-ўринни эгалладилар.

Асака тумани 31-умумтаълим  
мактаби директори:



Т.Азимова